

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 11 июнь, № 112 (6042) Чоршанба


## Германияда «Соғлом бола йили» Давлат дастури тақдимоти бўлиб ўтди

*Бонн шаҳрида анъанавий "Дунё халқлари маданияти фестивали" бўлиб ўтди. Унда Германияда фаолият кўрсатаётган 100 дан зиёд дўстлик уюшмалари ва иттифоқлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатия ваколатхоналари ҳамда миллий маданий марказлар иштирок этди.*

ДУНЁ НИГОҲИ

Мазкур халқаро анжуманда юртимиз бўлмаси Бонн шаҳридаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти ҳамда мамлакатимиз элчихонаси ҳамкорлигида тақдим этилди.

Ушбу тадбир доирасида "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Тақдимот иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йил мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилингани, бу йўналишдаги Давлат дастуридан кўзланган мақсад ва вазифалар, ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, таълим, спортни ривожлантириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар билан танишдилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мустақил республикамизнинг замонавий тараққиёти ва изчиллик билан олиб борилган ислоҳотларнинг натижалари ҳақида атрофлича тасаввур берадиган Ўзбекистон бўлмаси халқаро анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Чунки ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари, ранг-баранг сопол, тўқимачилик, зардўзлик буюмлари, мамлакатимизнинг бой тарихи ва сайёҳлик салоҳиятига доир кўпгина ахборот материаллари ушбу бўлма пештахталаридан жой олган эди.

Бонн шаҳрининг мингдан зиёд аҳолиси вакиллари ҳамда меҳмонлари Ўзбекистон бўлмасини кўздан кечириш асносида мамлакатимизнинг тарихи ва бой маданияти билан яқиндан ошно бўлдилар. Уларга, шунингдек, ўзбек миллий таомларидан татиб кўриш имконияти ҳам яратилди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири тадбирнинг айрим қатнашчилари билан суҳбатда бўлди.

— Шаҳримизда ўтказилаётган "Дунё халқлари маданияти фестивали" Германия жамоатчилиги вакиллари учун Ўзбекистоннинг тарихий-маданий мероси ҳамда республикангизда болалар ва ёшлар давлат томонидан қай даражада қўллаб-қувватланаётгани билан яқиндан танишиш учун жуда қулай имконият яратди, — деди **Бонн шаҳридаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг вице-президенти Дитер Бранденбургер.**

(Давоми 2-бетда).

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Литва Сейми раисининг биринчи ўринбосари Видас Гядвилас раҳбарлигидаги делегация аъзолари 10 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.*

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги алоқалар кўплаб йўналишларда ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Музокара давомида меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" барқарор ривожланишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Литва Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришга катта эътибор қаратмоқда, — деди Видас Гядвилас. — Мамлакатингизда қонун ижодкорлиги соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдик. Делегациямиз таркибида бизнес, таълим, транспорт ва логистика каби соҳаларнинг вакиллари бор. Мақсадимиз — ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни янада кенгайтириш.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Литва делегацияси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компаниясида ҳам музокара ўтказди.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*"Тахиатош иссиқлик электр станцияси" очиқ акциядорлик жамияти мамлакат Жануби-ғарбий минтақаси аҳолисини электр энергияси билан таъминлаб келаётганига ярим асрдан кўпроқ вақт бўлди.*

### Табиий газ тежалади

Табиийки, ўтган даврда корхона ускуналари эскириб, хизмат муддатини аллақачон ўтаб бўлган. Шундан келиб чиқиб, бу ерда қиймати 700 миллион АҚШ долларилик ҳар бири 230-250 мегабайт қувватига эга иккита буғ-газ ускунасини қуриш лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

— Модернизациялаш туфайли станция қуввати деярли икки баробар ошади, — дейди жамият раиси Бахт Мадреймов. — Натижада йилига 617 миллион куб метр табиий газни тежаш имконияти яратилади.

Лойиҳа доирасида ишчиларга зарур меҳнат ва турмуш шароити яратиш мақсадида 3,5 миллион АҚШ долларилик замонавий профилакторий ҳамда уй-жойлар бунёд этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### «Бухоро» аэропорти — халқаро танлов ғолиби

*"Бухоро" аэропорти халқаро "Аэропорт" ассоциациясининг анъанавий танловида ғолиблар қаторидан ўрин олди, яъни "Барқарор ривожланаётган аэропорт" номинациясида биринчи ўринни эгаллади.*

Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Кейинги йилларда бу ерда парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, инфратузилмани ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ютуқ ва натижалар қўлга киритилди. Чунончи, соатига 400 нафар йўловчини қабул қилиш имконига эга терминалнинг қурилиши иш самарадорлигини янада оширди. Бундан ташқари, мазкур аэропорт 2013 — 2016 йилларга мўлжалланган сифат менежменти сертификатига ҳам эга бўлгани унга дунёнинг 35 дан зиёд мамлакатларидаги халқаро аэропортлар билан ҳамкорлик қилиш учун кенг йўл очди.

Айтиш ўринлики, шу кунгача "Бухоро" аэропорти халқаро "Аэропорт" ассоциацияси томонидан ўтказилган танловларда олти марта бош совринни қўлга киритган.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Сув тозаловчи янги ускуна ўрнатилмоқда

*"Андижонсувоқова" очиқ акциядорлик жамиятида оқова сувни тозалайдиган замонавий технология ўрнатилаяпти.*

Бу қурилма яқинда Олтинкўл сув тозалаш иншоотида фойдаланишга топширилди.

Мазкур янги технология ичимлик сувини юқори даражада тозалаши баробарида, электр энергияни ҳам тежайди. Лойиҳа Осиё тараққиёт банки кредит маблағи эвазига рўёбга чиқарилаётир.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ТАНЛОВ

*Пойтахтимизда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг фанлар йўналишлари бўйича республика олимпиадаси якунланди.*

## БИЛИМДОНЛАР ОЛИМПИАДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анъанавий олимпиада юксак илмий салоҳиятга эга, истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадларига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Жорий йилги билимдонлар беллашувининг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан қуйи босқичларда ғолиб бўлган ўқувчилар 15 фан йўналиши бўйича ўз салоҳиятини синовдан ўтказди. Уларнинг 37 нафарига ғолиблик насиб этди. Олимпиадада, айниқса, Самарқанд, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри ўқувчилари яхши кўрсаткичларга эришди.

Шу муносабат билан 1-Тошкент педагогика коллежида бўлиб ўтган тадбирга таълим тизими мутасаддилари, ўқитувчилар, олимпиадада муваффақиятли қатнашган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари таклиф этилди.

(Давоми 2-бетда).

## ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ

Навоий вилоятидаги саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда





*Маълумки, энергетика ресурсларининг асосий хом ашёси бўлган углеводород захиралари сайёрамизда тобора камайиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, бир қатор ривожланган давлатлар қаторида юртимизда ҳам ноанъанавий энергиянинг муқобил манбаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда мавжуд саноат корхоналарига тежамкор технологияларни киритишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, кейинги йилларда ўнлаб корхоналарда модернизациялаш юмушлари бажарилди. Жумладан, 2012 йили "Навоий иссиқлик электр станцияси" ОАЖ тасарруфидаги янги буғ-газ қурилмаси ишга туширилди.*

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

Мазкур лойиҳа — Япониянинг "Мицубиси" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган янги қурилманинг қуввати 478 мегаватт, умумий қиймати 468 миллион АҚШ долларига тенг. Унинг дастлабки қуввати 313 минг киловаттни ташкил этади. Ёнилғи маҳсулотларининг қолган иссиқлиги ҳисобидан ҳосил қилинган буғ — анъанавий технологияларга асосланган турбинага йўналтирилади ва бу циклда яна 165 минг киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилади. Ана шу комбинацияланган цикл ҳисобига юқори кўрсаткичдаги тежамкорликка эришилмоқда. Таққослайдиган бўлсак, анъанавий иссиқлик электр станциясида 1 кВт. соат электр энергияси олиш учун 380-400 грамм атрофида ёқилғи сарфланса, комбинациялашган циклли қурилмада бу кўрсаткич атиги 234 граммни ташкил этаяпти. Пировардида йилига қиймати 110 миллион АҚШ долларилик табиий газ иқтисод қилинаётир. Айни чоғда янги қурилма станциянинг электр энергияси ишлаб чиқариш қувватини деярли бир ярим баравар ошириш имконини берди.

— Янги қурилма тежамкорлигидан ташқари, халқаро экология талабларига тўла жавоб беради, яъни атроф-муҳитга ортиқча иссиқлик ёки зарарли чиқиндилар чиқишини сезиларли даражада камайтиради, — дейди "Навоий иссиқлик электр станцияси" ОАЖ бош муҳандисининг янги қурилмалар эксплуатацияси бўйича ўринбосари Азимжон Ёқубов. — Ушбу қурилманинг ишга туширилиши натижасида ўтган йили 366 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинди. Жорий йил январь ойигача 3,49 миллиард кВт. миқдорда электр энергияси истеъмолчиларга етказиб берилди. Барча технологик жараён компьютерлаштирилгани бу борада бизга қўл келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йилнинг дастлабки уч ойида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ишларига тижорат банклари томонидан ажратилган маблағлар ҳажми 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан**

**24 фоиз ошди.**

Банк тизимининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш бўйича кўрилган изчил чора-тадбирлар натижасида уларнинг умумий капитали ва активлари тобора кўпайиб, пировардида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш имкониятларини янада кенгайтирди.




### Ёзги оромгоҳлар

*ўқувчиларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказишларига хизмат қилади*

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларни истиқлол ғоялари ҳамда она-Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилиб, бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш йўналишида янгича ёндашув жорий қилинган бўлиб, бу галги мавсумга ҳам алоҳида тайёргарлик кўрилди.

ЭЪТИРОФ

*Хабарингиз бор, Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизда ташкил этилган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференция юқори ташкилотчилик руҳида якунланди. Унда 40 та мамлакат ва 20 та халқаро ташкилотдан иштирок этган 200 нафардан зиёд меҳмонлар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида эришилаётган салмоқли ютуқлардан олган таассуротларини мухбирларимиз билан ўртоқлашди.*




# «Ўзбекистон сифатли мева-сабзавотларни қайта ишлаш йўналишида етакчи ҳамда фаол экспортчидир»

**Холид Муҳаммад ал-АБУДИЙ, Ислом хусусий секторни ривожлантириш корпорацияси раиси ўринбосари:**

— Анжуман мавзуси бугун дунёнинг кўплаб давлатларида озиқ-овқат тақчиллиги сезилаётган бир шароитда ниҳоятда долзарбдир. Юртингиздаги бир қатор қайта ишлаш корхоналарига ташриф буюриб, озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашда сезиларли даражада ютуқларга эришилганига гувоҳ бўлдик. Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон нафақат сифатли мева-сабзавотларни қайта ишлаш жабҳасида етакчи, балки соҳада ҳам фаол экспортчидир. Президент Ислом Каримов конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида мамлакатни мазкур йўналишдаги тараққиёти ҳақида тўхталаркан, унинг истиқболини ҳам аниқ белгилаб берди. Хусусан, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш мақсадларига инвестицияларни янада кенг жалб қилиш масаласини алоҳида қайд этди. Биз булар шунчаки сўзлар эмас, балки Ўзбекистон иқтисодиёти равнақининг муҳим омили эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

**Эва ВИЕТСМА-ЛАКА, Вагенинген университети атроф-муҳит бўйича департаменти халқаро лойиҳалари менежери (Нидерландия):**

— Мазкур халқаро конференция муҳим йўналишда ташкил этилгани эътирофга лойиқ. Чунки унинг замирида инсоният учун ғоятда зарур масала — озиқ-овқат хавфсизлиги ўз ифодасини топган. Қолаверса, йирик форумга сизнинг юртингиз мезбонлик қилаётгани бежиз эмас. Чунки бир неча йиллар олдин Ўзбекистонни пахта етиштирувчи мамлакат сифатида билган бўлсак, бугун у турли хил сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган давлат сифатида машҳурдир.

Конференция мобайнида бир қатор корхоналарда бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик. Масалан, менда “Меҳнат” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги агрофирма фаолияти катта қизиқиш уйғотди. У ерда қайта ишлаш орқали тайёрланаётган экологик тоза сабзавот ва мева маҳсулотларининг ноёб таъми, тўйимлилик хусусиятларига гап йўқ. Энг муҳими, уларда генларни модификация қилиш технологиялари қўлланилмаган. Давлатингиз раҳбарининг анжумандаги нутқида ҳам Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда минерал ўғитлар, пестицидлар ва бошқа шу каби воситаларнинг ўрнига органик ўғитлардан фойдаланиб келинаётгани, кимёвий препаратлар қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишда ишлатилиши, лекин улардан стимулятор, яъни экинни тез ривожлантирадиган восита сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидлаб ўтилди.

**Игнасьо Фернандес ДЕ МЕССА, ASAJA вице-президенти, Кордова минтақаси фермерлар ассоциацияси раиси (Испания):**

— Президент Ислом Каримовнинг нутқи биз учун жуда қизиқарли ва мазмунан бой бўлди. Унда бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолини сифатли бирламчи эҳтиёж маҳсулотлари билан таъминлаш нақадар долзарб эканлигига жуда тўғри баҳо берилди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатингиз раҳбари узоқни ўйлаб иш тутадиган сиёсатчидир. Маърузада озиқ-овқат сиёсатини нафақат юртингизда, балки глобал миқёсда амалга ошириш истиқболларига оид қатор конструктив таклиф ҳамда тавсиялар ҳам ўз ифодасини топдики, айни шу жиҳатдан анжуман ҳар томонлама самарали бўлди.

**Санг ХЕОН ХАН, Корея қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кооперативи раиси:**

— Давлатингиз раҳбарининг анжуман очилиш маросимидаги маърузасидан кўплаб маълумотлар олдим. Унда Ўзбекистон озиқ-овқат саноатига доир қатор рақамлар ва далиллар келтирилди. Буларнинг барчаси кишини ҳайратга солади. Сабаби, бир пайтлари экин майдонларининг қарийб 90 фоизи пахта билан банд бўлган республика қисқа давр ичида бунга barҳам беришга эришди. Гап шундаки, ҳозирги кунда мамлакатингизда пахта билан бирга табиий тоза мевалар, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари ва узум етиштирилмоқда. Уларнинг мазаси бошқа мамлакатларнинг дала ва боғ неъматларидан алоҳида ажралиб туради. Юртингизнинг озиқ-овқат захиралари кенг намоён этилган ҳамда дунёнинг кўзга кўринган ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишловчилари билан ҳамкорлик ўрнатишда муҳим роль ўйнаган ушбу нуфузли тадбирда қатнашганимдан жуда ҳам мамнунман. Айниқса, мутахассисларимиз мевали боғларни интенсив услубда яратиш ва мева-сабзавотни қайта ишлаш жараёнларига қизиқиш билдирдилар. Бу яқин алоқаларни йўлга қўйиш учун муҳимдир.

**Майкл ЭДЕЛЬШТЕЙН, Атроф-муҳитни ўрганиш институти директори (АҚШ):**

— Анжуман туфайли юртингизда нафақат ширин-шакар мевалар, хуштаъм сабзавотлар етиштирилаётгани, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларига илғор технологиялар ва асбоб-ускуналар чуқур татбиқ этилаётганини ҳам билиб олдик. Ўз навбатида, Ўзбекистон заминида етиштирилаётган мевалар таъм ва фойдали хусусиятлари билан хориждаги генларни модификация қилиш технологиялари қўлланилган маҳсулотлардан тубдан фарқ қилади. Чунки экологик соф маҳсулот соғлом миллат асоси, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги эса давлат тараққиёти кафолатидир. Умид қиламизки, форум якунлари нафақат мамлакатларимиз даражасида, балки халқаро ҳамжамиятнинг янада кенг иштирокида озиқ-овқат дастурларини амалга оширишга хизмат қилади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари Саид РАҲМОНОВ, Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.**

# Германияда «Соғлом бола йили» Давлат дастури тақдимоти бўлиб ўтди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистон раҳбариятининг ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган сиёсати катта эътиборга лойиқдир. Биз, Бонн шаҳридаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти аъзолари ҳукуматингизнинг бу сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга, Германиянинг сиёсий, ижтимоий ва ишбилармон доиралари вакилларини мамлакатингизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар билан таништириб боришга ўз ҳиссамизни қўшишдан мамнунмиз.

**Германия — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг аъзоси Гедда Герц** Бонн шаҳрида ҳар йили ўтказиладиган мазкур фестивалдаги мамлакатимизнинг иштирокини юқори баҳолар экан, ўзи ҳам Ўзбекистон бўйлаб сафарда бўлганини маълум қилди.

— Қуёшли ўлкангизга бориш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман, — деди у. — Ўзбекистоннинг қайси гўшасига бормайлик, ҳамма жойда бирдек илиқлик ва меҳмондўстлик билан кутиб олишди. Биз мактабларда, болалар боғчалари ва ўзбек оилаларида бўлдик. Мамлакатингиз бўйлаб сафаримиз бизда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Ўзбекистонда 2014 йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани мамлакат ҳукумати томонидан аҳоли саломатлигига, жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Мен юртингизда ёшлар учун барча шароит яратилганига шахсан гувоҳ бўлдим. Дунёнинг энг гўзал мамлакатларидан бири бўлган Ўзбекистонга яна боришга умид қиламан.

**Германиялик санъатшунос Тобиас Зайдель** ушбу тадбир туфайли Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, ўзбек халқининг ноёб анъаналари ва бой маданияти билан яқиндан танишганидан мамнун бўлганини айтди.

— Ўзбек ҳунармандлари ясаган халқ амалий санъати маҳсулотлари менда катта таассурот қолдирди, — деди у. — Бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказиб турилиши маданиятлараро мулоқотнинг, халқлар ўртасидаги дўстлик ва бир-бирини тўғри тушунишнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

# Ҳуқуқий маданият ва тафаккур

*Адлия вазирлиги томонидан “Юксак ҳуқуқий тафаккур — демократик жамият тақозоси” мавзуида ўтказилган анжуманда “Адолат” нашриётида амалга оширилаётган ишлар, нашрларнинг мавзуси, чоп этиш ва тарқатиш сифати ҳамда истиқболдаги вазифалар атрофлича муҳокама этилди.*

АНЖУМАН

Таъкидланганидек, ушбу муассаса Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва такомиллаштириш, аҳолини ҳуқуқий нашрлар билан таъминлашга йўналтирилган адабиётлар чоп этиш борасида кенг кўламли вазифаларни бажариб келмоқда. Бу ерда чоп этилаётган ҳуқуқий нашрлар орасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, кодекслар, қомусий тўпламлар, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, илмий-оммабоп китоблар, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам бор. Айни чоғда ёшларни ҳуқуқий меросимиз билан таништириш, уларни она-Ватан ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида “Ҳуқуқий меросимиз хазинасидан”, “Ахлоқ. Адаб. Адолат” туркумларида ҳам кўплаб асарлар нашр қилинди.

Умуман, ўтган даврда 700 дан ортиқ номдаги 8 миллион нусхадан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, кодекслари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқшунослик соҳаларига оид илмий, илмий-оммабоп адабиёт, дарслик, ўқув қўлланмалар ва бошқа адабиётлар чоп этилди.

Қонун ҳужжатларини халқимизга тушунарли тарзда етказиш мақсадида ҳуқуқшунос олимлар ёрдамида қонун ҳужжатларига шарҳ ёзиш иши ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар, қатор қонун ҳужжатларига шарҳлар ҳамда пенсия таъминоти, хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, меҳнат қонунчилиги ва бошқа соҳаларга оид адабиётлар ана шулар жумласидандир.

Тадбирда нашриётнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётгани, ҳамкорлик асосида истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилаётгани эътироф қилинди. Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан алоқалар йўлга қўйилгани қайд этилди.

Анжуманда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба — “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами”, илмий-оммабоп адабиётларнинг нашр этилиши ва уларни тарқатиш, Ўзбекистон расмий нашрларини хорижий давлатларга юбориш, ўз навбатида, хорижий давлатлардан расмий нашрлар қабул қилиш борасида ахборот алмашинуви юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, тадбирда юртимиз аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларини ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлаш борасидаги ишлар, ҳуқуқий нашрларни чоп этиш ва тарқатиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Билимдонлар олимпиадаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори У. Салимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ўқитиш сифати ва мазмунини янги поғонага кўтариш, рақобатбардош ва малакали кадрлар тайёрлашнинг изчил механизми яратилганини алоҳида таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва соҳага дахлдор бошқа муҳим ҳужжатларга асосан, юртимизда замонавий билим масканлари барпо этилиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Ўқитишда илғор технологиялар кенг жорий этилиб, таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги тобора ошиб бораётир. Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини янгилаш ишлари ҳам давом эттирилаяпти.

Соҳага қаратилаётган бундай улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасини навқирон ҳамюртларимизнинг халқаро миқёсдаги фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар ва кўрик-танловларда эришаётган салмоқли ютуқлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Аниқ рақамларни келтирадиган бўлсак, мустақиллик йилларида халқаро фан олимпиадаларида Ўзбекистон жамоаси таркибида жами 261 нафар ўқувчи қатнашиб, улар 22 та олтин, 52 та кумуш, 94 та бронза медали ва юздан ортиқ дипломларни қўлга киритдилар.

Тадбирда шулар хусусида атрофлича сўз юритилиб, жорий йилги умумтаълим фанлар бўйича республика олимпиадаси ғолибларига совринлар топширилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ

## Навоий вилоятидаги саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтиш жоизки, корхонада модернизациялаш ишлари жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, 478 мегаваттли буғ-газ қурилмаси ишлаб чиқарган қувватни истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериш мақсадида лойиҳа қиймати 15 миллион АҚШ долларига яқин кичикстанциянинг 220 кВт. кучланишли шиналар тизимини тубдан реконструкциялаш якунига етказилмоқда. Шу билан бирга, қуввати 450 мегаватт бўлган қурилма лойиҳасини амалга ошириш устида иш олиб борилаётир.



Бундан ташқари, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан биргаликда қиймати 527 миллион АҚШ долларилик лойиҳани амалиётга татбиқ этиш ишлари бошлаб юборилди. Эътиборлиси, ушбу қурилма ёрдамида электр энергияси билан бирга, 200 гигакалория/соат миқдорида иссиқлик энергияси ҳам ишлаб чиқарилади. Лойиҳа амалга ошиши билан корхонада йилига қўшимча равишда яна 2 миллиард 800 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади. Ҳозир уни рўёбга чиқариш мақсадида хорижий консультантлар иштирокида шартнома имзоланиб, тендер ҳужжатлари тайёрланмоқда. Қурилиш ишлари эса 2015 йилда бошланади.

Умуман, энергетика тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар пировардида мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини бундан-да юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

## Солиқ тизими ва АКТ:

# Замонавий, қулай ва фойдали

*Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби солиқ тизимида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ушбу тизимда йўлдош алоқадан оптик толали алоқага ўтилгач, давлат солиқ инспекцияларида маълумотларни узатиш тезлиги 71 баробар ошди. Айниқса, алоқа тармоғи орқали солиқ тўловчиларга электрон рақамли имзо бериш, солиқ ва молия ҳисоботларини электрон кўринишда қабул қилиш жараёнлари жадал тус олди.*

ЖАРАЁН

Айни пайтда Давлат солиқ қўмитаси томонидан расмий www.soliq.uz сайти орқали солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларга кенг кўламдаги электрон ахборот ҳамда хизматлар тақдим этилмоқда. Жумладан, солиқ тўловчиларга 33 турдаги интерактив давлат хизмати кўрсатилмоқда. Эътиборлиси, солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш, фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш, СТИРни аниқлаш, солиқ текшируви натижалари билан танишиш учун солиқ идораларига боришга ҳожат қолмади. Негаки, солиқ тўловчи ўз офиси ёки уйида туриб, Давлат солиқ қўмитаси сайтига кирган ҳолда, ана шу хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга.

Жорий йилнинг тўрт ойи давомида вилоятимизда 27,8 мингдан ортиқ киши интерактив хизматларга 825 минг маротаба мурожаат қилишдики, бу мазкур хизматдан фойдаланувчилар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 120 фоизга ортганини кўрсатади.

Таъкидлаш керакки, республика Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz сайти “Миллий UZ домени — 2012” интернет-фестивалининг “Давлат бошқаруви органи соҳасидаги энг яхши сайт” номинацияси бўйича ғолиб бўлгани ҳамда 2014 йил 6 март ҳолатига кўра, давлат бошқаруви органлари ўртасида 1-ўринни эгаллагани соҳада интерфаол хизматларни жорий этишга катта эътибор қаратилаётганлиги самарасидир.

Президентимизнинг 2014 йил 15 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида эса шу йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида, жумладан, молия, солиқ ҳисоботларини интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш хизматидан фойдаланишни жорий этиш белгиланган. Бу, албатта, солиқ тўловчилар учун яна бир катта имкониятдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, шунингдек, 2014 йилнинг охиригача барча тадбиркорлик субъектларини статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказиш, жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва улардан мақсадли фойдаланиш бўйича бир қатор зарурий тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда. Натижада интерактив хизматлар кўрсатиш сифати кескин яхшиланиб, кўлами кенгайиб бораётир.

Солиқ органлари билан электрон мулоқот, молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотларни уларга электрон почта орқали юбориш, жавоб тариқасида ахборот олиш эндиликда одатий кундалик ишга айланиб улгурди. Айтайлик, ўтган йилнинг биринчи чорагида 14760 та юридик шахсдан солиқ ҳисоботлари электрон тарзда қабул қилинган бўлса, жорий йилнинг шу даврида мазкур кўрсаткич 18911 тани ташкил этди.

Бундан ташқари, интерактив хизматлар воситасида жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияларни жўнатиш, мол-мулк ва ер солиғи бўйича қарзларини олдиндан билиш, солиқ текширишлари режа жадвалидан кўчирма ва солиштирма далолатнома олиш каби имкониятлар яратилгани ҳам айни муддао бўлмоқда.

Шу билан бирга, тан олиш керакки, замонавий ва қулай янги усулни давр талаблари асосида амалга ошириш борасида ҳали қилинадиган ишлар талайгина. Нега деганда, ҳамма ҳам бу ҳақда тўлиқ маълумот ва тушунчага эга эмас. Шу боис солиқ ходимлари томонидан ҳисоботларни қоғоз кўринишида тақдим этган ва етарли кўникмага эга бўлмаган вилоятдаги 1141 корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда ҳисобчилари иштирокида “Солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим этиш” мавзуида семинарлар ўтказилиб, доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, солиқ органларининг бундан кейинги фаолиятини замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, соҳада илғор технологияларга асосланган интерфаол хизматларнинг жорий қилиниши тадбиркорлик субъектлари вакилларига янада кенг имконият ва қулайликлар яратади.

**Худойберди ХОЛБОЕВ, Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.**



Тошкент вилояти: Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги олдидан Бўстонлиқ туманидаги “Камолот” ёшлар оромгоҳида “Ёш журналистлар медиа-тренинги” бўлиб ўтди.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Банк кредитлари — қишлоқ мулкдорларига

*Бугунги кунда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиёт тараққиётининг таянч кучига айланмоқда. Бу жараёнда улар банк муассасалари томонидан молиявий қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлаётир. “Агробанк” ОАТБ Сирдарё вилояти бошқармаси фаолияти бунга ёрқин мисол.*

*Айтиш жоизки, ушбу бошқарма кредитлари аграр секторни барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий корхоналарни барпо этиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун илғор технологиялар ва ускуналарни харид қилиш ҳамда ички бозорни улар билан тўлдиришга йўналтирилаётгани ўз самарасини бераяпти. Жорий йилнинг ўтган ойларида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 125 млрд. сўмликдан зиёд кредит ажратилиши натижасида жойларда кўплаб янги тадбиркорлик субъектлари ишга туширилиб, мингга яқин иш ўрни яратилгани бунинг тасдиғидир.*

*Қишлоқ мулкдорларининг қуйидаги фикрларидан ҳам буни англаш қийин эмас.*



**Ғофуржон ХУДОЙНАЗАРОВ, Янгиер туманидаги “Ғуломжон Нодирбек файз” МЧЖ раҳбари:**

— Истиқлол, чин маънода, тадбиркор юртдошларимизга кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Шу туфайли ҳудудларда асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, банкларнинг молиявий кўмагида уларнинг сафи йил сайин кенгайиб бораётгани қувонарлидир. Ўзимдан қиёс: “Агробанк”нинг Янгиер филиалига умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этиш мақсадида кредит сўраб мурожаат этганимда, унинг ходимлари бизнес-режамни атрофлича ўрганиб, 250 млн. сўм миқдорида сармоя ажратиб беришди. Ҳозирги кунда жамоамиз элга намунали хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, келгусида фаолиятимиз доирасини кенгайтиришни мўлжаллаб турибмиз. Бу борада ҳам “Агробанк” яқин ҳамкоримиз бўлишига ишонамиз.

**Абдумавлон МАҲМУДОВ, Сардоба туманидаги “Барака” фермер хўжалиги раҳбари:**

— Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, турли имтиёзлар берилаётгани бизни фидокорона меҳнат қилишга руҳлантирмоқда. Пировардида пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириш баробарида, қурилиш хом ашёси — оҳак ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бунда, албатта, “Агробанк”нинг Сардоба филиалидан берилган 136 млн. сўмлик кредит қўл келди. Асосийси, маҳалладошларимиздан 5 киши иш билан таъминланди. Уларнинг ҳар бири мазкур молиявий муассаса ёрдамидан беҳад миннатдор.

Дарҳақиқат, “Агробанк”нинг Сирдарё вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари томонидан ажратилаётган сармоялар эвазига ҳудудда истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш имконини бермоқда.

**Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.**

*Маҳсулотлар рақобатбардошлилигини ошириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташқи бозорга чиқиш истагидаги корхоналарнинг яқин кўмакчисига айланмоқда.*

# Ташқи бозорга чиқиш имкониятлари кенгаймоқда

Жамғарманинг Наманган вилояти филиали томонидан олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар натижасида, масалан, ҳудудда экспортчи корхоналар сафи тобора кенгаймоқда. Бунда филиал томонидан кичик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари доимий равишда таҳлил қилиниб, уларни ташқи бозорга чиқариш имкониятлари ишга солинаётгани, мазкур йўналишда тегишли маълумотлар базаси шакллантирилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни чоғда экспорт билан шуғулланиш мақсадида бўлган корхоналарнинг тижорат таклифларини хорижий ҳамкорларга етказиш орқали харидорларни излаш, экспорт амалиётларини бажариш, экспорт қилувчиларни эҳтимолий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензиялар, сертификат ҳамда бошқа рухсатномаларни олишда ҳуқуқий ва ташкилий хизмат кўрсатилмоқда.

Қувонарлиси, жамғарма билан ҳамкорлик ўрнатган корхоналар экспорт фаолиятини изчил йўлга қўйиб олишди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 60 га яқин тадбиркорга хизмат кўрсатилиши туфайли 14,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот МДҲ ва бошқа мамлакатларга сотилди. Улар орасида “Само текстиль сервис” шўъба корхонаси, “Наманган тўқимачи”, “Наманган шарбати” масъулияти чекланган жамиятлари сингари хўжалик юритувчи субъектлар бор. Бундан ташқари, вилоятнинг қатор туман ва шаҳарларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбар ҳамда мутахассислари билан давра суҳбатлари ўтказилиб, уларнинг ташқи бозорга чиқиш борасидаги муаммолари, таклиф-мулоҳазалари муҳокама қилинди.

— Бундай тадбирларда экспортчи корхоналарга яратилган шарт-шароитлар, қулайлик ва имтиёзлар, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг марказлашган давлат харидлари, халқаро тендер савдолари, чет элларда ўтказиладиган ярмаркалар ҳақида маълумот бериб бораяпмиз, — дейди жамғарма филиали директори Собиржон Турсунов. — Бунинг натижасида “Истиқлол-2000”, “Маржон тола текстиль” масъулияти чекланган жамиятлари, “Наманган резина пласт” шўъба корхонаси сингари ўнга яқин субъектлар жорий йил давомида чет элда бўлиб ўтадиган халқаро ярмарка ва кўргазмаларда қатнашишни режалаштириб олишди.

Вилоятда ўз маҳсулотлари билан ички бозорда муносиб ўрин эгаллаган тадбиркорлик корхоналари жуда кўп. Ҳозирги пайтда уларнинг аксарияти ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш мақсадида жамғарма билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 31 МАЙДАН 6 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Алкоголли маҳсулотлар қуйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрини юритиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 27 майдаги 2014-24-сонли қарори.*

**2014 йил 2 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1644-1 (2014 йил 9 июндан кучга кирди).**

2. «Айрим турдаги ёввойи ўсимликларнинг тарқалишини ва уларнинг миқдорини тартибга солиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 8 майдаги 92/1, 1-сонли қарори.*

**2014 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2590 (2014 йил 9 июндан кучга кирди).**

3. «Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2014 йил 3 майдаги 65-сонли буйруғи.*

**2014 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2591 (2014 йил 9 июндан кучга кирди).**

4. «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 19 майдаги 13/1-сонли қарори.*

**2014 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-1 (2014 йил 9 июндан кучга кирди).**

5. «Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 19 майдаги 13/3-сонли қарори.*

**2014 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2332-1 (2014 йил 9 июндан кучга кирди).**

6. «Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 20 майдаги 366/01-10-сонли қарори.*

**2014 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2314-1 (2014 йил 9 июндан кучга кирди).**

7. «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги объектларни, объект эгасига илгари хусусийлаштиришга қилинган харажатларни қайтарган ҳолда қайта сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 20 майдаги 367/01-10-сонли қарори.*

**2014 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1206-1 (2014 йил 9 июндан кучга кирди).**

8. «Спорт тури бўйича спортчи, тренер ва ҳакам касбларига қўйиладиган малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2014 йил 26 майдаги 1-сонли буйруғи.*

**2014 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2592 (2014 йил 9 июндан кучга кирди).**

9. «Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 29 майдаги 01-02/12-09-сонли қарори.*

**2014 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2525-1 (2014 йил 9 июндан кучга кирди).**

10. «Истеъмолчи объектларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2014 йил 3 июндаги 5-сонли буйруғи.*

**2014 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1731-2 (2014 йил 9 июндан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Алкоголли маҳсулотлар қуйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрини юритиш бўйича низом» *(рўйхат рақами 1644, 2006 йил 30 ноябрь). Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 2 июндаги 145-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. «Истеъмолчи объектларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом», 1-сон ўзгартиришлар ва қўшимча *(рўйхат рақами 1731, 2007 йил 20 октябрь), (рўйхат рақами 1731-1, 2011 йил 21 декабрь). Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 5 июндаги 154-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 10 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2154,65 | 1 Украина гривнаси | 194,87 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3872,84 | 1 Малайзия ринггити | 720,48 |
| 1 Дания кронаси | 421,41 | 1 Польша злотийси | 767,64 |
| 1 БАА дирҳами | 627,49 | 1 СДР | 3552,09 |
| 1 АҚШ доллари | 2304,44 | 1 Туркия лираси | 1109,61 |
| 1 Миср фунти | 322,29 | 1 Швейцария франки | 2579,98 |
| 1 Исландия кронаси | 20,39 | 1 евро | 3143,55 |
| 1 Канада доллари | 2108,56 | 10 Жанубий Корея вони | 22,65 |
| 1 Хитой юани | 369,42 | 10 Япония иенаси | 224,80 |
| 1 Россия рубли | 66,49 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*


## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 15 июль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 12 ноябрдаги 10-1218/19834-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Юксалиш кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., умумий майдони 780 кв.м. бўлган 2 қаватли, ертўлали дўкон биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 802 694 000 сўм.***

**2.** Сергели тумани СИБ томонидан ФИБ Яккасарой туманлараро судининг 2014 йил 24 январдаги 1-254/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлиқ-7 мавзеси, Адолат 3-тор кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., курилиш ости майдони 410,13 кв.м., фойдаланиш майдони 55,08 кв.м. бўлган 3 хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 136 128 000 сўм.***

**3.** Сергели тумани СИБ томонидан ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2013 йил 25 декабрдаги 1-871/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-квартал, 46/47-уй, 35-хонадонда жойлашган, умумий майдони 37,80 кв.м., тураржой майдони 25,93 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 45 124 170 сўм.***

**4.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 14 мартдаги 10-1304/249-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-4 мавзеси, 41-уйда жойлашган, умумий ер майдони 13672 кв.м., умумий майдони 4310 кв.м. бўлган маъмурий бино, цех ва омборхона бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 2 116 811 070 сўм.***

2014 йил 1 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Сергели тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг 2013 йил 12 февралдаги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дарё бўйи 2-берк кўчаси, 6-уй, 6-хонадонда жойлашган, 1960 йилда қурилган, яшаш майдони 33,92 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 16 644 382 сўм.***

**2.** Ҳамза тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 10 майдаги 1-867/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шавкат 1-тор кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 400 кв.м., қурилиш ости майдони 306,60 кв.м. бўлган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм.***

**3.** Ҳамза тумани СИБ томонидан ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2013 йил 19 февралдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23/5-уй, 7-хонадонда жойлашган, умумий ер майдони 336 кв.м., фойдаланиш майдони 82,63 кв.м. бўлган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 78 080 000 сўм.***

**4.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2013 йил 18 майдаги 1-4832/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Эзгулик берк кўчаси (аввалги F. Умаров 1-берк кўчаси), 15-уйда жойлашган, умумий ер майдони 314 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 135,29 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 66 927 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

885R/90



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*очиқ танлов савдоларига таклиф этади.*

Очиқ танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг 2014 йил 29 майдаги АА-37І4/08-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, Янги Юнусобод кўчаси, 7-«А» уйда жойлашган, собиқ «ЎзОлмонхотелз» ҚКга тегишли, умумий ер майдони 15057 кв.м.дан иборат 6 та бино ва 2 та иншоот, шундан 4 қаватли бинонинг майдони 1924 кв.м., шунингдек, мебель, офис жиҳозлари ва бошқа мол-мулклари мажмуа сифатида қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси қўшимча қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда — 2 695 199 808 сўм.***

Танлов савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 11 июль куни соат 18.00. Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш — 2014 йил 14 июль куни соат 12.00.

Мол-мулклар мажмуаси 2014 йил 14 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 21, 28 июль ва 4 август кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 21 июлдаги савдо учун — 18 июль куни, 28 июлдаги савдо учун — 25 июль куни, 4 августдаги савдо учун — 1 август куни соат 18.00.

Очиқ танлов савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖга тақдим этадилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: очиқ танлов ғолиби мулк сотилиш баҳосининг 20 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини шартнома асосида келишилган ҳолда тўлаб бериши керак.

Объект бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, очиқ танлов савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов ўтказиш қоидалари: танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган буюртманома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин. Танлов ҳужжатларининг баҳоси савдо ташкилотчиси томонидан белгиланади.

Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин. Савдода энг мақбул таклиф киритган талабгор танлов ғолиби, деб топилади.

Танлов савдолари ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил:

**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-80-26. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

857R/1453



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## «REAL AUKSION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан 2014 йил 6 январдаги 6/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўртаовул қўрғони, Амир Темур кўчаси, 102-уйда жойлашган, ишлаб турган «Laser» русумли печенье ишлаб чиқариш ускунаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 198 631 750 сўм 40 тийин.***

Аукцион савдоси 2014 йил 27 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Real auksion» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

Гувоҳнома № 006795.

880R/1090



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

02




Жаҳон 24 соат ичида: Япониянинг “SoftBank” корпорацияси “Pepper” деб номланган, инсон каби ҳис-туйғуга эга роботни сотувга чиқариш арафасида турибди.

# Фарзандлар камолоти

## юрт равнақи ва истиқболини белгилайди

*Бугун униб-ўсиб келаётган авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бундай хайрли ишда “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, соҳага оид бошқа бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилиниши, шунингдек, жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб номланиши айни муддао бўлаётир.*

### ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Самарқанд вилоятида ҳам жисмонан ва маънан баркамол, мустақил фикр, юксак интеллектуал салоҳият, чуқур билим ҳамда маънавий дунёқарашга эга ёш авлодни вояга етказиш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераяпти. Биргина 2013 йилда ҳудудда инвестиция дастури асосида 64 та мактаб, 4 та “Баркамол авлод” болалар марказининг капитал таъмирланганлиги, шунингдек, 15 та спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 5 та болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги, бундай объектларнинг 12 таси қишлоқ жойларда барпо этилганлиги фикримиз исботидир.

Шу кунларда эса “Соғлом бола йили” Давлат дастури бўйича Самарқанд шаҳридаги барча таълим муассасаларида белгиланган тадбирлар доирасида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар эътиборга лойиқ. Масалан, Самарқанд шаҳар халқ таълимига қарашли мактаб ўқувчилари орасида “Соғлом бола — юрт таянчи”, “Соғлом бола — буюк ишларга қодир”, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур” каби мавзуларда баён, иншолар танлови ўтказилди. Шу билан бирга, таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ҳамда бошқа жиҳозлари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Айниқса, шаҳардаги 96 та мактабгача таълим муассасаси “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида ғамхўрлик қуршовида эканлиги болажонларнинг камол топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу муассасаларда катта ва тайёрлов гуруҳлар учун тўгараклар очилиб, “Инглиз тили билан дўст бўламиз” дастури асносида ушбу фанни ўрганиш борасида қўлланмалар, тарқатма материаллар мажмуаси яратилаяпти.




— Муассасамизда тарбияланувчиларнинг эҳтиёжи ва қизиқишидан келиб чиққан ҳолда, ота-оналарнинг талабларини эътиборга олиб, инглиз тили, рус тили, математика, қўл меҳнати, шахмат-шашка, рақс, самбо, тасвирий фаолият каби 8 та тўгарак ташкил қилинган, уларга 289 нафар бола жалб этилган, — дейди Самарқанд шаҳрининг Сартепо мавзесидаги 121-мактабгача таълим муассасаси мудираси Дилором Мамедова. — Тўгараклар ҳафтада 2-3 марта фаолият олиб боради. Муассасамизда қўшимча таълим хизматлари кўрсатиш эвазига ҳар ойда бюджетдан ташқари маблағ келиб тушаяпти. Ушбу маблағлар мактабгача таълим муассасаси моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу масканда ўқув йили давомида, режа асосида “Айёминг муборак, Ўзбекистоним!”, “Таъзим сизга, устозлар”, “Она тилим — жону дилим”, “Меҳржон”, “Қомусимиз — номусимиз”, “Ватан посбонлари — мард ўғлонлари”, “Навоийхонлик”, “Онажонлар байрами” каби мавзуларда тадбирлар ўтказиб борилади. Бу тадбирлар болаларни миллий урф-одатлар, маданий мерос, умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Шунинг учун бўлса керак, муассаса педагогик жамоаси ўтган 2012/2013 ўқув йили якунига кўра, шаҳар мактабгача таълим муассасалари ўртасида рейтинг бўйича 1-ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасасида илғор иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш, ёш мутахассислар билан ишлаш, “Устоз — шогирд” мактаби фаолиятини такомиллаштириш, “Боғча — оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлиги” борасидаги ишлар диққатга сазовордир. Муассасада режа ва ҳамкорлик шартномаси асосида 24, 55-умумтаълим мактаблари, маҳаллалар, ота-оналар билан ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли 6-7 ёшли болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлик даражаси 92 фоизни ташкил этмоқда.

Буларнинг барчаси эзгу орзу-ниятларимиз тимсоли — фарзандларимиз камолотига хизмат қилаётганлиги учун алоҳида қадрлидир.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

---

Маданият хабарлари



*Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги санъат саройида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмаси асосида тайёрланган мультфильмлар ва эртаклар аудио тўплами ҳамда “Зумраша” ҳажвий киножурналининг янги сонлари тақдимоти бўлиб ўтди.*

## Эртаклар тўплами намойиши

ТАДБИР

Соғлом бола йилига бағишланган ушбу тадбирда пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирок этдилар. Шунингдек, сарой фойесида болалар учун мўлжалланган китоблар ярмаркаси, ёш мусаввирлар ижодий кўргазмаси ҳам уюштирилди. Тадбирда қатнашган болалар турли мавзуларда ўтказилган викториналар, танловларда иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар.

Иштирокчи болажонларга мультфильмлар ва эртаклар аудио тўплами совға қилинди.

**Моҳира АДИЗОВА.**

---

# Электрон зиё маскани

*Китоб — одамзод яратган нодир мўъжиза. Унинг инсон тафаккури, дунёқарашини бойитишда ва умуман, киши камолотида тутган ўрни ҳақида буюк алломаларимиз кўп ёзиб қолдиришган. Бинобарин, бугун ҳам ёш авлод тарбиясида китоб ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.*

### ҚАРОР ВА ИЖРО

Шу боис истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда зиё масканлари фаолиятини тубдан янгилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга астойдил киришилди.

> Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорининг изчил ижроси туфайли ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида турли адабиётларнинг электрон нусхаларини яратиш, уларни янги электрон китоблар билан бойитиш имкониятлари юзага келаяпти.

Жумладан, Урганч шаҳридаги вилоят ахборот-кутубхона марказида амалга оширилаётган янгиланишлар ҳам китобхонлар сафини кенгайтириш, уларга замонавий технологиялар асосида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

Марказ хизматидан фойдаланаётганлар орасида, талаба-ёшлар ва тадқиқотчилардан ташқари, турли соҳа вакиллари сони ортиб бораётгани ҳам қувонарлидир. Ўтган йили китобхонлар сони 20 минг 722 нафарни ташкил этган бўлса, бу йил улар сафи янада ортиши кутилмоқда.

Бугунги кунда марказ фондида 596 минг 458 нусхадаги адабиётлар мавжуд. 2013 йилда 308 номда 926 нусхада янги ахборот ҳужжатлари, китоблар, CD дисклари, вақтли матбуот нашрлари, журналлар, газеталар киритилди.

— Бу ерга тез-тез келиб тураман, — дейди Урганч ахборот ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Темур Оллаёров. — Ўқув залларининг орасталиги, барча зарур қулайликлар яратилганлиги туфайли бу даргоҳ биз, ёшларга жуда манзур. Бўш вақтимизни, асосан, шу ерда ўтказамиз. Мен ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини ўқиб-ўрганишни мақсад қилганман.

Айни пайтда нодир ва ноёб адабиётлар бўлимида 2000 дан зиёд асарлар ва қўлёзмалар мавжуд. Бундан ташқари, марказ фондидан 1940 йилдан шу кунгача чоп этилган газета ва журналлар ҳам ўрин олганки, бу ўқувчилар аудиториясининг кенгайишини таъминламоқда. 2008 йилдан бери марказда ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги веб-сайтлар фаолият кўрсатмоқда. Интернет тармоқларидан олинган ҳамда марказ ресурслари асосида тўпланган тўлиқ матнли маълумот базалари йиғиб борилмоқда. Бунинг натижасида on-line маълумотлар базаси шакллантирилган.

Ҳозирги кунда кутубхона электрон катологида 34708 номда 117 минг нусхага яқин ахборот ҳужжатлари ҳамда 1500 дан ортиқ китобларнинг электрон варианти мавжуд.

Ахборот-кутубхона маркази ходимлари вилоятдаги 161 ахборот-ресурс марказига услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Китобхонларнинг зарур адабиётларга бўлган талабини қондириш мақсадида кўчма кутубхоналар ҳам ташкил этилаяпти. Шунингдек, марказ томонидан турли мавзуларда семинарлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан адабий ҳамда мусиқий кечалар, давра суҳбатлари, кўргазмалар, билимдонлар беллашувлари, кўрик-танловлар, китоб байрамлари каби кўплаб оммавий тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилган. Бундай тадбирлар ёшлар қалбида китобга меҳр уйғотиш, билим олишга бўлган иштиёқнинг ошишида муҳим роль ўйнайди, албатта.

Соҳа ривожи тажрибали кадрлар фаолиятига бевосита боғлиқ. Ўтган йили марказнинг 35 нафар ходими махсус курсларда малака оширди. Қолаверса, сўнгги йилларда хориждаги турдош муассасалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилдики, бу ходимларнинг ахборот-кутубхона хизматида янги технологияларни қўллаш ва билим даражаларининг ошишига кўмаклашаяпти.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

### БУНЁДКОРЛИК

Жиззах шаҳрида “Наврўзбулоқ” болалар истироҳат боғи иш бошлади.

## «Наврўзбулоқ» боғига марҳамат!

Сўлим гўша бағридаги мўъжаз боғда кичкинтойлар учун турли аттракционлар ўрнатилиб, махсус спорт майдончалари барпо этилди. Шунингдек, боғ ҳудудида замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси қад ростлади. Айни пайтда боғни кенгайтириш, янги спорт ва маданий иншоотлар қуриш ишлари давом этмоқда.

Ушбу боғнинг фойдаланишга топширилиши Соғлом бола йилида болажонлар учун ажойиб туҳфа бўлди.

**Д. ҚАРШИБОЕВА.**

---

# Ватанга хизмат — олий саодат

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан “Ватанга хизмат — олий бахт” мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.*

### МАЪНАВИЯТ

Унда ички ишлар идоралари ходимлари, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, атоқли шоир ва ёзувчилар қатнашди.

Тадбирда қайд этилганидек, юртимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ, тинчлик-тотувликни асраш, осуда ҳаётни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни изчил таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда ички ишлар идоралари ходимлари ушбу вазифалар ижросига муносиб улуш қўшмоқдалар. Улар мамлакатимиз фуқаролари тинч, обод ҳаёт кечириши, самарали меҳнат қилиши, одамлар ўзларини ишончли ҳимояда эканликларини ҳис этиши йўлида масъулият билан фаолият юритмоқда.

Албатта, соҳа вакилларида она-Ватанга муҳаббат, хизмат бурчига садоқат фазилатларини янада кучайтириш, улар жамоат хавфсизлигини асраш, хонадонлар тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза қилишдек шарафли бурчини янада чуқур англаб етишига эришиш ана шу саъй-ҳаракатлар самарадорлигини изчил оширишга хизмат қилади. Маънавий-маърифий тадбирда ана шулар алоҳида таъкидланди.

Унда, шунингдек, юртимизда хотиржамлик, фаровонликдек бебаҳо неъматларни кўз қорачиғидек авайлаш, уларнинг қадрига етиш, ишончли ҳимоя қилиш ҳар биримиз, айниқса, ҳуқуқ-тартибот ходимлари учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди, ватанпарварлик мавзуидаги шеърлардан намуналар тингланди.

**З. ИСМОИЛОВА.**

---

## «Ипак ва зираворлар» фестивали



*Бухоро шаҳрида вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича 2014 йилга мўлжалланган тадбирлар дастури доирасида ташкил этилган мазкур фестиваль чет эл сайёҳлик фирмалари, шаҳар меҳмонларида катта таассурот қолдирди.*

АНЪАНА

— Фестивалнинг руҳи бу гал ўзгача бўлди, — дейди “Ҳунарманд” уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Акбар Муҳаммедов. — Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган халқ амалий санъати усталари, қўшни давлатлардан ташриф буюрган ҳунармандлар қатнашди. Тадбирда ипакдан тайёрланган ноёб маҳсулотлар ва халқ табобатида кенг фойдаланиладиган доривор гиёҳлар савдо-кўргазмаси ҳамда “Палов сайли”, “Кураш сайли”, қўчқор, хўроз уруштириш каби халқ ўйинлари ҳам уюштирилди. Тажрибали усталар томонидан эса ёш ҳунармандлар учун маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Фольклор-этнографик ансамбллар концерт дастурлари тадбирга ўзгача шукуҳ улашди.

**И. ИСТАМОВ.**

---

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН





**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 2012 йил 13 июлдаги 1-83/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий ер майдони 5,3786 гектар, умумий қурилиш ости майдони 8436,81 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш комплекси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 502 095 500 сўм.***

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Паркент тумани СИБ томонидан 2014 йил 20 январдаги 10-1308/10450-сонли ижро варақаси (ҳал қилув қарори)га асосан хатланган, Паркент тумани, «Гулбоғ» агрофирмаси, Чўққайма маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1,0 гектар бўлган картошка омбори бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 315 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 26 июнь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

879R/1091

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

Хизматлар лицензияланган.


---

## Пауэрлифтингчиларимиз совриндор

СПОРТ

*Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида пауэрлифтинг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон спортчилари муваффақиятли иштирок этди.*

Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабар тарқатди.

Жумладан, терма жамоамиз етакчиларидан бири Алеся Лишинская битта олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритган бўлса, тажрибали пауэрлифтингчимиз Ҳусниддин Бўриев иккитадан кумуш ҳамда бронза медаллари билан тақдирланди.

**Ш. ОРТИҚОВ тайёрлади.**



Тошкент: Президентимиз Фармонига мувофиқ таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти муносиблар ичида энг муносибларига берилмоқда.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 669. 118 344 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5